

Чекка қишлоқлар аҳолиси учун янги йўналиш

«Express Shipment» МЧЖ «Педколлеж – Жалойир ҚФЙ» йўналишида учта «Газель» билан хизмат кўрсатмоқда.

Навоий вилояти, Кармана туманидаги «Express Shipment» МЧЖ вилоятнинг чекка ҳудудларида яшовчи аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида, ШЙТ-203 Педколлеж – Жалойир ҚФЙ йўналишини ишга туширди. Йўналишда корхонага қарашли учта янги «Газел» микроавтобуслари мунтазам қатнамоқда. МЧЖ раҳбариятининг маълум қилишича, йўловчилар оқимига қараб қўшимча автотранспорт воситалари қўйилиши мумкин.

«Express Shipment» МЧЖнинг хизмат сифатини яхшилашга жиддий бел боғлаганини автотранспорт паркини янгилаш борасидаги саъй-ҳаракатларида ҳам кўриш мумкин. Яқинда корхона ўз маблағларига учта «Isuzu» автобуси харид қилиб, ШАЙ-218 Марказий бозор – Маданият йўналишига чиқарган эди.

Жамият раҳбари Б.Эшбоевнинг сўзларига кўра, яқин йилларда корхона ўз маблағлари ва банк кредити ҳисобига 20 дона автобус харид қилиб, янги йўналишлар очишни ва мавжуд йўналишларда катновни янада яхшилашни режалаштирмоқда.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати